

Х У С У С И Й А Ж Р И М

2002 йил сентябрь охи 05 куни жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судининг судьяси А.Очилов Узбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Тугрисидаги Кодекснинг 194 моддасининг 1 қисми, 183 моддаси билан жавобгарликка тортилган М.И.Тожибоевнинг Маъмурий иши буйича унинг кассация тартибида келтирган шикоят аризасини куриб куйидагиларни

А Н И К Л А Д И :

М.Тожибоева 2002 йил 01 июлда милиция ходимларининг қонуний талабларига буйсунмасдан фуқаро Т.Зайлоповни ҳақорат қилган деб жиноят ишлари буйича Қирғули туман судининг 2002 йил 31 июлдаги қарори билан Узбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Тугрисидаги Кодекснинг 194 моддаси 1 қисми, 183 моддаси билан МЖТКнинг 21 моддасига асосан оғохлантирилган.

Иш материалларидан қуринишича, М.Тожибоева булган А.Болтаев бошқарувиданги автомобилани Қирғули туман Ички Ишлар бўлими ходимлари томонидан тухтатилиб, ҳайдовчи А.Болтаевдан автомобилани руйхатдан утказиш талаб қилинган. М.Тожибоева автомобиланидан тушиб автомобилани тухтатилиши сабабларини сураганида милиция ходимлари Й.Сойнаев ва С.Тиллаевлар унга нисбатан ҳақоратли сузлар айтиб қулидаги диктафонни жисмоний қуч ишлатиб олиб қуймокчи булганлар. М.Тожибоева милиция ходимларининг ҳаракатидан норози булиб удар билан гап талашиб жанжаллашиб кетади. Милиция ходими Й.Сойнаев М.Тожибоевани Қирғули туман Ички Ишлар бўлимига олиб келади. М.Тожибоева Қирғули туман Ички Ишлар бўлимида 2002 йил 02 июлга утар кечаси билан ушлаб турилади.

М.Тожибоева узининг қурсатувларида милиция ходимлари уни ҳақорат қилиб, жисмоний қуч ишлатиб тан жароҳати етказганларини, асосиз равишда 2002 йил 02 июлга утар кечаси Қирғули туман Ички Ишлар бўлимида ушлаб турганларини, айбдор шахсларга қонуний чора қурилишини сураган.

Гувоҳ А.Болтаев, Б.Олимовалар ҳам уни қурсатувини тасдиқлаб, М.Тожибоева автомобилани тухтатилиши сабабини сураганида милиция ходимлари М.Тожибоевани ҳақорат қилиб қулидаги диктафонни олиб қуйиш мақсадида қуларини қайирганларини, Қирғули туман Ички Ишлар бўлимида кечаси билан ушлаб турганларини баён қилганлар. Суд тиббий экспертизасининг 04.07.2002 йилдаги 1773 сонли хулосасига қура, М.Тожибоева «Енгил» тан жароҳати олганлиги қурсатилган.

Ушбу ҳолатларни қонун асосида тегишли равишда текшириб, М.Тожибоевага нисбатан гайриқонуний ҳаракат содир қилган шахсларнинг ролини ва иштирокини ойдинлаштириб, уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд булса Узбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш лозим булади.

Юқоридагиларга қура Узбекистон Республикаси МЖТКнинг 313,321 моддалари ва Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 298, 299 моддаларини қуллаб, суд

А Ж Р И М К И Л Д И :

Ажримда қурсатилган ҳолатларни тегишли равишда текшириб, қонуний асосларда ҳал этиш учун ажрим нусхаси Фаргона вилоят прокурори Ю.У.Абдукаримовга юборилсин.

Натижаси ҳақида қонунда қурсатилган муддатда жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судига ҳабар қилинсин.

Жиноят ишлари буйича Фаргона
вилоят судининг судьяси :-

А.ОЧИЛОВ